

## ТИЛ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ

Ҳайитова Зилола Махмуджоновна

Низомий номидаги Тошкент

давлат педагогика университети

Умумий психология кафедраси ўқитувчиси

E-mail: Zilolahayitova16@gmail.com

**Резюме.** Ҳозирги вақтда инсоннинг алоқа воситаси ҳисобланган тил ва нутқ масалалари, уларнинг маданиятга алоқадорлик хусусиятларини илмий тадқиқ этишга эътибор юқори. Жамият тараққиётига боғлиқ ҳолда ўзаро фикр алмашув ҳамда, маданиятнинг юксалиб бориши бевосита тил ва нутқ хусусиятларига боғлиқ. Бу мақолада нутқ маданияти адабий тил меъёри шаклланиш жараёни ўрганилган. Унда тил ва нутқнинг тафаккур, онг, руҳиятга боғлиқлиги ҳам инобатга олиниб, таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** тил, нутқ, маданият, тафаккур, онг, руҳият, категория, жараён, меъёр.

## ЯЗЫК И КУЛЬТУРА РЕЧИ

Хаитова Зилола Махмуджоновна

Ташкентского государственного педагогического

университета имени Низами

E-mail: Zilolahayitova16@gmail.com

**Резюме.** В настоящее время большое внимание уделяется вопросам на научных исследованиях проблем языка и речи, особенностей их связи с культурой, которые считаются средством общения человека. В связи с развитием общества взаимный обмен идеями, а также подъем культуры напрямую зависят от особенностей языка и речи. В данной статье исследуется процесс формирования нормы речевой культуры литературного языка. В нем также учитывалась и анализировалась зависимость языка и речи от мышления, разума, психики.

**Ключевые слова:** язык, речь, культура, мышление, разум, психика, категория, процесс, норма.

## LANGUAGE AND CULTURE OF SPEECH

Khaitova Zilola Makhmujonovna

Professor Department of Psychology of the Tashkent State

Pedagogical University named after Nizami

**E-mail: Zilolahayitova16@gmail.com**

**Pesume.** Currently, much attention is paid to issues in scientific research on the problems of language and speech, the features of their connection with culture, which are considered a means of human communication. In connection with the development of society, the mutual exchange of ideas, as well as the rise of culture, directly depend on the characteristics of language and speech. This article examines the process of formation of the norm of the speech culture of the literary language. It also took into account and analyzed the dependence of language and speech on thinking, mind, and psyche.

**Keywords:** language, speech, culture, thinking, mind, psyche, category, process, norm.

Инсон фаолияти давомида тил борлиқни билиш ва фикр алмашиш воситаси вазифасини бажаради. Тил воситасида инсоният томонидан жамғарилган билимлар қайд этилади, сақланади, ва авлоддан-авлодга етказилади. Тил миллат руҳининг кўзгуси бўлиб, миллатнинг маданияти, ўй-фикри, дунёқарашини, ҳис туйғуларини ифода этади. Тилдаги ҳар бир сўз унинг ҳар бир шакли инсон тафаккури ва туйғусининг натижасидир. Тил яхлит бир тизим сифатида ижтимоий вазифани бажаради. Унинг асосий бирликлари сўз, қўшимча, гаплар орқали грамматик жиҳатдан оҳанг воситасида ва мантиқан ўзаро боғланишда борлиқ ҳақидаги ҳикматларни ифодалайди, тасдиқлайди ёки инкор қилади.

Тил бу инсоният томонидан яратилган, унга хизмат қиладиган ва ҳар қайси миллатнинг ижтимоий-маданий тараққиётига мос тарзда ривожланиб борадиган ижтимоий ҳодисадир.

Бутун дунё тиллари орасида ҳар бир товушнинг эшитилиш тарзи биридан фарқ қилади. Бу дегани инсон дунёни тили билан кўради ва тили билан эшитади. Барчасининг асосий мазмун-моҳияти табиатдаги мавжуд товушларга тақлид қилиш натижасида юзага келади. Табиатда мавжуд товушларни қандай эшитсак, шундай тақлидий сўз юзага келади. Тилни мана шу тарзда тасниф қиладиган бўлсак, тил бу фақатгина алоқа воситаси эмас, кўриш, эшитиш, ҳаттоки англаш воситаси эканлигини билиб оламиз.

Тил фақатгина алоқа воситаси бўладиган бўлса, у кўча қоидаларидан фарқ қилмай қолади. Инсоннинг тили барқарор бўлса, қайси тилда тафаккур қилса, у одам ўша тил мансуб миллатга дахлдор ҳисобланади.

Маълум бўладики, тил нутқнинг ўта муҳим унсури сифатида алоқа, хабар таъсир этишдек, шу билан бирга имкониятлари ниҳоятда кенгайиб бориши

натижаси ўлароқ кишилиқ жамияти тўлаган тажриба ва билимларни келажак авлодларга етказишдек улугвор вазифаларни бажаради.

Тил яшаш шароитлари, ижтимоий ва маданий муҳитга қараб, ҳар хил гуруҳлар, ҳар хил тил системаларига эга бўлишлари мумкин. Ҳар бир тил ҳар хил дунёқарашни ифода этади. Тиллар бир-биридан қанчалиқ фарқланса, дунёқарашлар тури ҳам шунчалиқ ранг-баранг бўлади[1].

Ўзининг шаклланиши ва ривожланиб бориши давомида узоқ тарихий йўлни босиб ўтган тил аста-секинлик билан бўлсада, такомиллашиб ҳам боради. Бу ҳолни унинг ички қурилишида амалда бўлиш қоидаларининг маълум бир тизимга кела боришида кутиш мумкин. Ички қурилиш нуктаи назаридан тил маълум бир миқдордаги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган тил бирикмаларининг йиғиндиси ва ана шу бирликлардан фойдаланиш қоидаларидан ташкил топган мураккаб системадир.

Биз ўз фикримизни тилсиз турли воситалар билан (кўл, бош, юз, кўз, ҳаракати билан) ҳам ифодалашимиз мумкин. Бироқ тил ва уни рўёбга чиқарувчи нутқимизсиз кўзланган мақсадга тўлиқ эриша олмаймиз. Инсон онги бирор бир воқелиқни акс эттирар экан, у сўзлар орқали (нутқ воситаси билан) юзага чиқаради. Демак, инсоннинг тили, нутқи орқали унинг маданият намоён бўлади ва у ўз навбатида шаклланади.

“Фалсафа қомусий луғати”да маданият сўзи арабча “мадиналик, шаҳарлик, таълим-тарбия кўрган”[2], деган маънони билдиради. Латин тилида маданият термини “cultura” дейилади. Рус тилида ҳам культура атамаси қўлланилади. Маданият тушунчаси дастлаб инсоннинг табиатга мақсадга мувофиқ таъсири (ерни қайта ишлаш ва ҳ.к.), ҳамда инсоннинг ўзини тарбиялаш маъноларини ифодалайди.

Нутқ маданияти жамият ҳаёти ва маданиятининг ўта муҳим ажралмас таркибий қисми, муайян воқелиғи, кўриниши сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. У фикр алмашиш, муомала, сўзлаш каби кундалиқ, доимий, зарурий жараёнларни ўз ичига олади, уларни «бошқаради», улар орқали воқелиқка айланади, таъсир қилиш қувватига эга бўлади.

Тил ва нутқ ўзаро диалектик боғлиқ ижтимоий-тарихий, ижтимоий-психик ходисалар бўлиб, тил алоқа қуроли сифатида, нутқ эса алоқа усули сифатида мавжуддир[3].

Нутқ - бу тил деб аталувчи, ижтимоий-индивидуал ноёб қуролдан фойдаланиш жараёни, тил бирликлари, имкониятларининг объектив борлиқ, тафаккур ҳамда вазият билан ўзаро зарурий, доимий муносабатда

намоён бўлишидир. Нутқ-бу расмий тилдир. У кенг маънода сўзлардан, сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади.

Маданий гапиришга интилиш тушунчаси барча халқларда қадимдан мавжуддир. Бу тушунча муайян лингвистик меъёрлар, этик ва эстетик талаблар билан алоқадор бўлган тушунчадир. Демак, нутқ маданияти тушунчаси ҳар бир халқ тили ва миллат маънавиятини белгиловчи (кўрсатувчи) этик ва эстетик категориядир, ҳодисадир[4].

Нутқ маданияти фақатгина адабий тилни онгли ва мақсадга мувофиқ меъёрлашга (уни қайта ишлаш ва бойитишга) қаратилган ҳаракатларгина эмас, балки миллатнинг умумий маданиятини кўтариш, одамларда маълум «тил диди»ни тарбиялашга хизмат қилувчи фаолият ҳамдир.

Нутқ маданияти термини тилшуносликда уч хил ҳодисани ифода этади:

- 1) маданий нутқнинг, яъни нутқий ҳодисанинг номи;
- 2) маданий нутқ тушунчаси билан боғлиқ ва нутқ маданияти деб юритилувчи илмий муаммонинг номи;
- 3) нутқ маданияти муаммоларини ўрганиш билан шуғулланувчи соҳанинг, тилшунослик фани бўлимининг номи.

Келтирилган учта ҳодисанинг ҳар бири ўзининг мураккаб кўринишларига ва қирраларига эга, уларни бир-бири билан қориштирмаслик лозим.

Нутқ маданияти тўғрисида гап борар экан, табиийки, нутқда сўзларнинг ўринли ва ўринсиз ишлатилиши тўғрисида ҳам баҳс боради. Қўлланган тил бирлигини тўғри ёки нотўғри дейилганда, албатта, маълум бир ўлчов(мезон)га асосланиш керак бўлади. Мана шу ўлчов тилшуносликда адабий тил меъёри деб юритилади.

Ҳар сўзлашув тилининг, адабий тилнинг ўз меъёрлари бўлганидек, нутқнинг алоҳида кўринишлари бўлган арголар, жаргонлар ҳам ўз меъёрига эга. Хусусий меъёрлар қуйидагича кўрсатилади: 1. Диалектал меъёр. 2. Сўзлашув нутқи меъёри. 3. Арголар, жаргонлар меъёри. 4. Адабий тил меъёри (адабий меъёр)[5].

Адабий меъёрнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари мавжуд бўлиб, оғзаки адабий меъёрнинг ривожланишига халқ қизиқчилари, аскиячилари, латифагуй халқ шоир-бахшилари катта ҳисса қўшсалар, ёзма адабий меъёрнинг шаклланишида белгиланган ёзув шакли асосида ёзиб қолдириладиган ёзма адабиётнинг хизмати чексиздир. Умуман олганда, адабий тил меъёрини ўрганиш янги ҳодиса эмас. Тил меъёри ва адабий меъёр муаммо сифатида нутқ маданияти илмий соҳа деб тан олингунга қадар ҳам ўрганиб келинган. Адабий тил меъёри, унинг шаклланиш,

ривожланиш, стабиллашув қонуниятлари-нутқ маданияти соҳасининг текшириш объекти ҳисобланади.

Нутқ маданияти соҳасининг адабий тил меъёрига ёндашуви қуйидаги хусусиятлари билан грамматик муносабатдан фарқ қилади.

а) нутқ маданияти адабий тил меъёридаги ўзгариб, бузилиб турувчи нутқий нуқсонларни юзага келтирувчи хусусиятларни топиши ва уларни тузатишга интилиши лозим;

б) нутқ маданияти адабий тил меъёрини доимий ривожланиб, ўзгариб турувчи ҳодиса сифатида текшириши ва адабий тил меъёри системасидаги янги ҳолатларни, ўзгараётган, ўзгарган ҳолатларни, шунингдек, «ўлган», истеъмолдан чиққан ҳолатларни ҳисобга олиши керак.

в) нутқ маданияти адабий тил меъёри системасидаги қарама-қарши ҳолатларни белгилаши ҳамда тилнинг барча яруслари буйича текшириши лозим.

Маълумки, тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан узвий боғлиқдир. У жамият тараққиёти, меҳнат фаолияти жараёнида юзага келадиган, фақат жамиятда, одамлар орасида мавжуд бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Жамият ривожланган сари тил ҳам шаклланиб боради. Демак, шу тилда сўзлашувчи миллатнинг маънавияти юксалиб, нутқий малакаси ортиб боради. Акс ҳолда тил таназзулга юз тутаяди. Бу эса нутқий малаканинг сўнишига, маънавиятнинг қашшоқланишига олиб келади.

Жамиятда яшаётган ҳар бир шахс алоҳида нутқ эгаси саналади.

Инсон нутқ фаолиятида адабий тил маданияти қоидаларини мукамал билгани ҳолда, айниқса, бадиий адабиётларни, газета ва журналларни ўқиши, радио ва телевидениени кузатиб бориши, умуман, оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари орқали ҳамда тинимсиз мустақил шуғулланиши натижасида нутқий малакага эга бўлади.

Адабий тил маданиятини чуқур эгаллаган инсонгина касбий нутқ маданиятига эга бўлади. Адабий тил маданиятини эгаллашда тилга бўлган эътибор, унга чинакам муҳаббат ва ҳурмат муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи адабий тилда гапириши лозим. Адабий тил ва унинг меъёрларини шунчаки қизиқиш ёки у билан номигагина шуғулланиш орқали эгаллаб бўлмайди.

Инсоннинг нутқ фаолияти уч кўринишда намоён бўлади: сўзлаш, мутолаа қилиш ва эшитиш. Сўзлаш дейилганда, сўзловчининг маълумот, маслаҳат бериши, буюриши, ўзига номаълум бўлган нарсалар ҳақида сўраши

тушунилади. Сўзлаганда сўзловчининг билими, маданияти, ахлоқи, одоби юзага чиқади. Сўзлашнинг монологик ва диалогик кўринишлари мавжуд.

Мутолаа қилиш-ўқувчининг ёзма нутқ орқали асар муаллифи, образлари билан мулоқотидир. Мутолаа туфайли ёзма нутқда акс этган воқеа- ҳодисадан хабардор бўлади[6].

Нутқ-сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матннинг муайян кўриниши ифода бўлиб, у фақатгина лисоний ҳодиса саналмасдан, балки ҳам руҳият, ҳам нафосат ҳодисаси ҳисобланади.

Нутқнинг тўғрилиги унинг энг муҳим алоқавий фазилатидир. Чунки нутқ тўғри бўлмаса, унинг бошқа коммуникатив сифатлари, яъни мантикийлиги, аниқлиги, мақсадга мувофиқлигига ҳам путур етади.

Хулоса шуки, нутқ маданияти-тилни, алоқа ва аралашув қуролини ишлатишга бўлган муносабатдир. Тил вакилларида бу ноёб қуролнинг имкониятларига муносабат, уни ишлатишдаги бошқа омиллар: тафаккур, онг, борлиқ, турли вазият ва ҳолатлар, мақсадга бўлган муносабат қанчалик юқори савияда бўлса, нутқ маданияти ҳам шунчалик юқори савияда бўлади.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ахмедова М.Х. Замонавий педагог нутқи // *Pedagogik ta'lim klasteri: muammo va ueshimlar*. Халқаро илмий-амалий конференция 2021-йил, 25-26 июн Чирчиқ.Б. 1209-1213
2. Ахмедова М.Х. Миллий тилнинг этимологик ва психолингвистик хусусиятлари // ТДПУ “Жамиятнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йилларида замонавий шахс ривожланишининг психологик хусусиятлари” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари тўплами. Тошкент 2021. 24 ноябрь. Б. 39-43.
3. Фалсафа қомусий луғат. Тошкент. : “Шарқ”, 2004, Б. 230
4. Қўнғуров Р. ва б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1999. -Б.195.
5. Тошалиев И. ва бошқалар. Оммавий ахборот воситаларининг тили ва услуби. –Т.: Университет, 2006. – Б. 248.
6. Тоҳиров З.Т. Прагматик сема. –Т.: Зар қалам, 2004. – Б. 96.
7. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. 2008.